



ДАВЛАТ МОЛИЯВИЙ АКТИВЛАРНИ БОШҚАРИШНИ МОЛИЯВИЙ МЕХАНИЗИМНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Сайдов Хабибулла Шавкат угли

Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети

«Бухгалтерия хисоби ва аудит» факультети талабаси

khabibullasaidov@gmail.com

Аннотация: Мақолада Давлат молиявий активларни бошқаришини молиявий механизмни такомиллаштиришининг можияти, Давлат монетар ва солик бюджет сиёсатлари боғлиқлиги, давлат молиясини бошқариши ва бунда молиявий механизмнинг турли хиллари кўрсатилган.

Таянч иборалар: молия тизими, давлат бюджети, монетар сиёсат, солик-бюджет сиёсати, молияни бошқариши, молия механизми, маъмурий бошқарув, мувофиқлаштирувчи бошқариши, молиявий дастак.

Америкалик иқтисодчи профессор Р. Мертон ҳар қандай молиявий активни бошқаришининг асосий молиявий мезони сифатида улар учун талаб қилинадиган даромадлиликка таъсир этувчи қуидаги омилларни таъкидлаб ўтади:

1. Рисксиз рентабеллик даражаси (Risk free rate). Хусусан, бунда капиталнинг бозордаги ўртacha қийматини ўзида мужассамлаштирувчи фоиз даражаси назарда тутилиб, ушбу қиймат рисксиз даромадлилик даражаси сифатида қабул қилинади. Одатда бундай даромадлиликка эга бўлган молиявий актив сифатида давлат облигацион заёмлари инобатга олинади.

2. Молиявий бозордаги молиявий активларнинг ўртacha тортилган даромадлилик даражаси. Бунда ўртacha даромадлилик даражаси деганда замонавий портфел назариясида шакллантирилган портфеллардаги кенг молиявий активлар арсенали шароитида портфелнининг ўртacha даромадлилик даражаси қабул қилинади

Шакллантирилиши мумкин бўлган даромадлиликнинг математик кутилиши. Фикримизча, иқтисодчи ушбу фикрида молиявий активларни бошқариш обьекти



сифатида тури қимматли қоғозлардан ташкил топган активларни бошқаришда инобатга олинадиган омилларга урғу бериб ўтган. Бунда юқорида тилга олинган омиллар асосан даромадлиликнинг нисбий ва мутлақ кўрсаткичлари ҳамда ушбу даромаднинг эҳтимолли кутилишига эътибор қаратгандир. Маълумки, хар қандай бошқариш тизими каби молиявий активларни бошқариш жараёни ҳам маълум принципиал қоидаларга амал қиласди. Бундай қоидалар молиявий активларни бошарувнининг умумий принципларига умвофиқ самарали ташкил қилишнинг муҳим методологик асоси бўлиб хизмат қилиши мумкин. Россиялик иқтисодчи А.А. Адаменко, Т.Е. Хорольская ва В.С. Горшковлар молиявий активларни бошқаришнининг умумий принципларига тўхталиб, аввало молиявий активларни бошқариш корхоналарнининг ягона бошқарув тизими билан интеграцилашуви таъминланишини кераклигини таъкидлайди.

Иқтисодчилар С. Осербайулы, А. Талгатлар ҳозирги вақтда корхоналар маблағларини бошқаришдаги асосий муаммолар қўйидагилардан иборатлигини таъкидлайдилар:

- ўзаро тўловларни амалга оширмаслик муаммоси;
- товарларни сотишдан тушадиган маблағлар молиявий ҳисоботда тўловни амалга оширишда эмас, балки товарларни жўнатиш пайтида акс эттирилади.

Шунинг учун маблағларнинг келиб тушишини прогноз қилиш тўлов фактуралар учун реал вақт асосида ҳисоблаб чиқилиши керак. Юқоридаги 2 омил асосан ўтиш даврини бошдан кечираётган мамлакатларга хос бўлиб, биринчи санаб ўтилган муаммо тўлов тизимидағи мауммолар юзасидан пайдо бўлиши табий ҳолдир. Нақд пул оқимини бошқариш корхонадаги дебиторлик қарзларини бошқариш билан чамбарчас боғлиқ, чунки баъзи корхоналар учун пул оқимининг асосий манбаи товарларни сотиш ҳисобланади. Товарларни сотиш нақд пулсиз ҳисоб-китоблар учун ўз вақтида ва қисмларга бўлиб, яъни кредит асосида амалга оширилади.

Шунинг учун харидорлар - қарздорлар етказиб берувчи билан ҳисоб-китоб қилишлари мумкин бўлган ўртacha вақтни ҳисоблаш керак. Дебиторлик қарзларини бошқаришда менежер қўйидаги қатор параметрларни бошқариши керак:

- дебиторлик қарзларининг айланиш вақти;



- турли параметрлар бўйича қарздорларнинг тузилиши;
- харидорлар билан ҳисоб-китоблар схемаси ва уларни бирлаштириш имконияти;
- қарздорларнинг ўз мажбуриятларини бажаришини назорат қилиш;
- шубҳали қарзларни кўриб чиқиш принциплари;
- виждонсиз харидорларнинг қарзларини ундириш бўйича чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш.

Дебиторлик қарзларини ўз вақтида тўлашни таъминлашнинг замонавий усуллари анъанавий таркибий қисмларга эга, масалан, ўз вақтида тўлаш учун чегирмалар, камроқ анъанавий бўлганлар, масалан, молиявий активларни суғурталаш. Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам иккита элемент мавжуд - бу келажакдаги фойдаларни ҳисоблаш ва мумкин бўлган йўқотишларни сақлаб қолиш билан сотиш тамойиллари. Дебиторлик қарзларини бошқаришнинг асосини корхонада ҳисоб-китоб қилиш тизими ташкил етади. Ҳозирги вақтда корхоналарда товарларни кредитга беришнинг ривожланган тизими мавжуд бўлиб, бу ерда кредит бериш шартлари кўплаб омилларга боғлиқ.



1-расм. Хўжалик юритувчи субъектлар активларининг туркумланиши

Активларни бошқаришнинг марказий ядроси бўлиши керак, чунки улар корхонанинг истиқболли сиёсатини шакллантиради. Барча молиявий активларга хос сифат белгиси - бу келажакда даромад олиш ва уни талаб қилиш ҳукуқидир. Демак, молиявий



активларни тизимли бошқарув методологиясида қуидаги муаммолар күриб чиқилиши керак бўлади: – даромад олиш қанча вақтни талаб қиласди ва компания умуман исталган вақтни кутиб турадими ёки активни биринчи фойдали фурсатда сотадими; – регресс талаб кутиш хизмати учун компания қандай қўшимча даромад олишни афзал кўради; – бошқариш амалиётида талабнинг қандай усулларидан фойдаланиши. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун қуидаги бошқарув усулларидан фойдаланиш мақсадга мувофик: – ҳар бир молиявий актив тури бошқаришга нисбатан ўзига хос равишдаги молиявий сиёсатда ёндашувни аниқлаш ва таснифлаш; – корхонанинг барча ресурслари таркибидаги активлар ҳолатини ва ушбу ҳолатдан келиб чиқадиган ликвидлик ва молиявий рискларни комплекс молиявий таҳлил қилиш.

Ишлаб чиқариш воситалари ғояси иқтисодиёт тушунчаларига илк бор классик иқтисодиёт назариячилари томонидан XVIII асрда киритилиб, бунда меҳнат куроллари, меҳнат предмети ва меҳнат асосий ишлаб чиқариш воситалари сифатида қаралган. Иқтисодиёт муносабатларининг мураккаблашиб бориши ва иқтисодиёт назарияси тараққиёти ишлаб чиқариш воситалари тушунчасини кенгайтириб бормоқда. Охирги 50 йилларда булар неоклассик иқтисодиётчилар, маржиналистлар ғояси тарафдорлари, институционализм назарияси тарғиботчилари ва бошқалар томонидан фантехника ютуқлари, тадбиркорлик хусусиятлари, ахборот ва бошқа омиллар қаторида, молия-пул воситаларини ишлаб чиқариш воситаларининг энг муҳимларидан бири, деб баҳоланмоқда. Классик иқтисодиёт назариячиларининг пул-молия факат дастмоя, ишлаб чиқариш ва савдо-сотиқ хизматини амалга оширувчи воситаси ғоясидан фарқли ўлароқ, молия маблағлари ишлаб чиқариш ва савдодан қатъий назар, ўзи янги қиймат яратувчи омил сифатида баҳолана бошланди. Бунга ғарб давлатларида авж олган секютиризация жараёнлари ва турли хилдаги деривативлар бозорларининг тараққиёти далда бўлиб хизмат қилди. Шу билан бирга, таъминланмаган маблағларнинг (unbacked assets) кўплаб ҳолларда муомалада ҳаракатланиши, 2001-2002 йилги «доткомлар» молиявий инқирози ва 2008 йилдан бери ҳамон давом этаётган молия-иқтисодий инқирозларга қармасдан, молия маблағлари иқтисодиётдаги жараёнларни ҳал қилувчи омил сифатида баҳоланиб



келинмоқда. Гарчан, тараққий этаётган ва транзит иқтисодларда дериватив ва қийматли қоғозлар бозорлари тараққий этган давлатлар каби ривожланмаган бўлсада, молиявий маблағларни иккинчи даражали омил сифатида баҳолаш замон талабларидан йироқдир. Бу омилдан оқилона фойдаланиш ушбу иқтисодий категорияни замонавий иқтисодиёт ютуклари нуқтаи назардан таҳлил қилиш ва унинг бошқаруви масалаларини кенгрок ўрганиш, мазкур ресурслардан фойдаланиш самарасини ошириши муқаррар.

Давлат бюджети иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа таррақиётини самарали тартибга солувчи мажмуа бўлиб, у давлатга зарур бўлган молиявий ресурслар ҳажмини акс эттиради, мамлакатда солик сиёсатини белгилайди, миллий даромад ва ялпи ички маҳсулот қайта тақсимланишининг аниқ йўналишларини қайд этади, маблағларни харажат қилиш орқали давлат ижтимоий ва иқтисодий сиёсатини амалга оширади ва стратегик тараққиётни таъминлаб туради. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексининг З-моддасида Давлат бюджети: «Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети – давлатнинг давлат вазифалари ва функцияларини молиявий жиҳатдан таъминлаш учун мўлжалланган марказлаштирилган пул жамғармаси», деб таърифланган. Аслида, мазмунан давлат бюджети жамиятнинг жамланган молия маблағлари бўлиб, улар давлат ва маҳаллий бошқарув органларига юклangan вазифаларни молиялаштиришга мўлжалланган ҳамда молиялаштирилган ишларнинг бажарилишини қамраб олиши лозим. Келтирилган тушунчанинг Бюджет кодексида ифодаланишидан асосий фарқи Бюджет кодексида давлат бюджети «марказлаштирилган пул маблағи» деб ифодаланганидадир. Келтирилган назарий тушунчада эса молиявий маблағ деб ифодаланмоқда. Аслида пулми ва/ёки молия? Давлат бюджети ҳамиша ҳам «марказлашган пул жамғармаси»га эга эмас. Бюджет вужудга келган заҳотиёқ пул маблағлари шаклланмайди. Ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан келгуси йил учун давлат бюджети параметрлари қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланиши билан кучга киради. Одатдаги тартибга кўра, ушбу ҳодиса тасдиқланаётган бюджет параметрларининг ижроси амалга ошириладиган молия иилидан олдинги йилнинг ноябрь-декабрь ойларида рўй беради. Бироқ, бу даврда



ҳали «марказлашган пул маблағлари» шаклланмаган бўлади. Марказлашган пул маблағлари шаклланиши учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, жойлардаги молия бошқармалари ва туман, шаҳар молия бўлимлари ойма-ой тақсимланган Бюджет даромадлари ва харажатлари ёйилмасини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

Солиқ органлари ушбу хужжатга асосланиб бюджетга солиқ йиға бошлайдилар. Лекин бу солиқлар келиб тушгунга қадар бюджетда «марказлашган пул маблағлари» ҳали бўлмайди. Демак, уни марказлашган пул маблағлари дейиш етарлича асосланмаган. Кимdir «айланма касса маблағлари»га ишора қилиши ва ўтган йилги қолдиқлар бюджетдаги марказлашган пул маблағларидир, дейиши мумкин. Лекин ушбу «айланма касса маблағлари» ўтган йилги қолдиқ бўлиб, уни жорий йилги бюджетга ўтказишдан аввал жорий йилнинг Бюджет ёйилмаси қабул қилиниши лозим. Шундан кейин ўтган йилдан қолган айланма касса маблағлари жорий йил хисобида расмийлаштирилиши мумкин бўлади. Давлат бюджетини ушбу нуқтаи назардан ифодалайдиган бўлсак, уни «марказлашган пул маблағлари» эмас, балки «жамиятнинг жамғарган молия маблағлари» деб ифодалаш керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абаева Н.П., Шигаева Е.В. Развитие концепции финансового менеджмента. // Финансы и кредит. – 2013. – №47(575). – С. 25–28.
2. Мертон, Роберт К. (1973). "Теория рационального ценообразования опционов". Bell Journal of Economics and Management Science. Корпорация "РЭНД". 4 (1): 141–183.
3. Адаменко А.А., Хорольская Т.Е., Горшков В.С. Финансовые активы: понятие и оценка // Вестник Академии знаний №34 (5), 2019
4. Осербайулы С. С.; Талгат А. А.. Современные проблемы управления финансовыми активами предприятия и методы их решения.. Вестник КазНУ. Серия Экономическая, [S.l.], v. 90, n. 2, p. 71-75,
5. Bogle, John C., 2012, The Clash of Cultures: Investment vs. Speculation, Hoboken, NJ: John Wiley & Sons.
6. Gershman, John and Jonathan Morduch, 2015, “Credit Is Not a Right”, in Microfinance, Rights and Global Justice, Tom Sorell and Luis Cabrera (eds.), Cambridge: Cambridge University Press, 14–26.